DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7631734

Pages: 255-263



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



АЁЛЛАРНИНГ ЕТАКЧИЛИК КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шаҳрибону Ғофурова
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси таянч докторанти
e-mail: gofurova.shakhribonu@gmail.com

Калит сўзлар: етакчилик, аёллар еткачилиги, касбий кўникмалар, ижтимоий дастурлар.

Аннотация: Мақолада бугунги кунда аёлларда етакчилик кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, йўналишлари, бу борадаги халқаро институт ва компаниялар тажрибаси таҳлил қилинган, Ўзбекистонда етакчи аёллар салмоғини ошириш ижтимоий лойиҳалари бўйича таклифлар таклифлар берилган.

ABOUT INSTITUTIONS OF THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCES OF WOMEN'S LEADERSHIP

Key words: leadership, professional skills, social programs.

Abstract: The article deals with the issues of formation of women's leadership at the present stage of development of society, analyzes the methods of formation of institutions of women's leadership in foreign companies, and offers proposals for the development of social projects of women's leadership in the Republic of Uzbekistan.

ОБ ИНСТИТУТАХ РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ЖЕНСКОГО ЛИДЕРСТВА

Ключевые слова: лидерство, профессиональные навыки, социальные программы., «Шаг к PhD».

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы формирования женского лидерства на современном этапе развития общества, проанализированы методики формирования институтов женского лидерства в зарубежных компаниях, даны предложения развитию социальных проектов женского лидерства в Республики Узбекистан

Жамият ва дунё тобора мураккаб ва ранг-баранг бўлиб бормоқда, бу барқарор ривожланиш учун турли фикрларни ҳисобга олиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишда турли гуруҳлар вакилларини жалб қилиш зарурлигини англатади. Бизга турли хил ижтимоий гуруҳлар вакилларига ўзини намоён қилиш, ўз потенциалини очиб бериш - ўзларининг ва бутун жамиятнинг ҳаёт сифатини ўзгартиришга ёрдам берадиган намуналар керак дейди Рыбаков Хайрия Фонд [1] раҳбари Екатерина Рыбакова

Бугунги кунда замонавий бошқарув тизимини аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аёллар бошқарув жараёнига янгилик, рақобат ва ижодий ғоялар киритади.

Етакчи аёллар мавзуси кундан кунга долзарб бўлмоқда ва кўплаб издошлар тўпламоқда. Grand Thornton халқаро аудит, солиқ ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи ташкилот 15 йиллик тадқиқот натижаларини тақдим этди. [2] Ҳисобот натижаларига кўра 2004-2020 йиллар давомида дунёда компаниялар бошқарувида юқори лавозимларни эгаллаган аёллар улуши 10 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь ПФ-269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони билан 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартирилди, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда раҳбар ва масъул лавозимларга кадрлар тайинлаш ҳамда республика ижро этувчи ва ҳокимият органининг раҳбар ва ходимларнинг фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари (индикаторлари) белгилаш [3] бўйича топшириқлар берилди.

Албатта бу жараёнда замонавий раҳбар – етакчи аёллар ўрни катта. Яратилаётган шароитлар бугунги кунда аёл-қизларга ўз устида мунтазам

ишлаш, доимий ривожланиш ва касбий ўсиш учун катта имкониятлари яратади.

Ҳар бир ташкилотда самарадорликни таъминловчи раҳбар ва етакчи ходимлар мавжуд. Етакчи (leader) – жамоани муайян бир мақсадга йўналтирувчи, мотивация қилувчи шахс. Кўп холларда етакчилик ўринларини бугун аёллар самарали эгаллаб келмоқдалар. Етакчилик кўникма ва тажрибалари ҳаёт давомида шакллантирилади ва ривожлантирилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки етакчилик қобилиятлари эркак ва аёлларда турли намоён бўлади. Таҳлил шуни кўрсатадики эркак ва аёллар одатда бутунлай фарқли етакчилик услублардан фойдаланадилар.

Кўп холларда етакчи сифатида аёллар:

- либерал бошқарув стратегиясини олдига сурадилар;

- ўз яқинлари, ҳамкасблари ва қўл остидагиларга ўрнак бўлишга интиладилар, жамоани мақсадга йўналишида мотивация қиладилар ва рағбатлантирадилар;

- белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажаришга бошқарув масалаларини коллегиал ечишга, жамоа аъзолари ўртасида ҳамкорлик ришталарини қўллаб-қувватлайдилар;

- шахсий ривожланишга алоҳида эътибор берадилар.

Бугунги кунда аёллар давлат фуқаролик бошқаруви ва тижорат фирмаларида эркаклар билан тенгма-тенг асосда ишлаб келмоқдалар. Аёлларга касбий нуқтаи назардан ҳеч қандай имтиёз берилмайди. Раҳбарлик лавозимларида аёллар сони ортиб боришига қарамай Европа мамлакатлари билан солиштирганда Ўзбекистон Республикасида аёллар етакчилиги анча секин ривожланмоқда. Иш берувчиларни кўпинча ишга қабул қилиш жараёнида аёлнинг профессионал кўникмалари билан эмас балки оилавий аҳволи фарзанд кўргани ва туғуруқ таътилига чиқиб кетмаслиги тўғрисида маълумот оладилар.

Хорижий амалиётда аёлларда етакчилик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида кўплаб усуллар ва дастурлар қўлланилади. Мисол учун, катта компанияларда, аёллар етакчилик кўникмалари ривожлантириш учун ички корпоратив тренинглар кўлланилади. Ушбу дастурларни асосий мақсади бу ходимлар орасида етакчилик фазилатларини аниқлаш, ривожлантириш ва уларнинг салоҳиятини юзага чиқаришдир. Бошқа томондан бу каби тадбирлар натижасида ташкилотда ички кадрлар захираси яратилади. KFC, Mars, Novartis, Alcon каби йирик халқаро брендларда аёллар учун алоҳида таълим дастурлари ишлайди. Масалан, KFC компаниясида аёл ходимлар "Heart Led People" дастури орқали ўзларининг шахсий хайрия лойиҳаларини жорий этадилар ва ривожлантирадилар.

McKinsey консалтинг компанияси хари йили аёллар учун Next Generation Women Leaders (NGWL) касбий маҳорат тренинглар ташкил этади. Тренинг доирасида аёлларга ахборот билан ишлаш, якуний мақсад ва вазифаларни белгилаш, етакчилик асослари ва амалиёти сирлари тўғрисида маълумот берилади.

Сўнгги йилларда халқаро бизнес мактаблар томонидан аёллар етакчилиги дастурлари жадал ривожланмоқда. Ел, Колумбия университетлари, Берлиндаги Европа менежмент ва технология мактаби (ESMT), INSEAD ва бошқа таниқли таълим марказлари аёлларда етакчилик кўникмаларини ривожлантириш ўқув дастурларини оммага тақдим этмоқдалар. Мисол учун, Москва Сколково менежмент мактабининг "Female Leaders Opportunities and Wholeness" дастурида тингловчи аёллар шахсий ва касбий стратегик режаларини тузиш, уларга эришиш ва янгиланиш, эмпатия, ижодкорликни ривожлантириш, ўз имкониятлари ва истакларини чуқур англаш, шахсий брендни шакллантириш каби кўникмалари ривожлантирадилар.

Етакчилик кўникмаларини танловлар ва форумлар ишида иштирок этиш орқали ривожлантириш ҳам мумкин. Уларда иштирокчилар бошқалар

билан тажриба алмашадилар, танловларда ўз лойиҳалари билан қатнашадилар, форумлар доирасидаги ташкил этиладиган тренингларда қатнашадилар ва маърузалар қиладилар. Woman Who Matters форуми [4] Россия компанияларда аёллар, уларни шахсий ва касбий ривожланиши учун яратилаётган имкониятларни баҳоловчи платформа. Форум 2015 йилдан бери ўтказилади ва уни якуни бўйича ташаббускор аёллар томонидан фан, таълим, ишлаб чиқариш, бизнес лойиҳаларини қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар берилади.

Раҳбар аёллар Ассамблеясининг “XXI аср етакчи аёли” форумида турли соҳа ва йўналишлардаги ишлаб чиқариш ташкилот ва корхоналарининг аёл директорлари бизнес тренинглар ўтказадилар, тажриба алмашадилар ва тақдирланадилар. 2017 йилдан бери ташкил этиб келинаётган “Россия етакчилари”[5] Россия Федерация президенти дастури доирасида “Етакчи Аёллар” қаноти ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу платформада фаол ҳаётий позицияга эга хотин-қизлар шахсий ка профессионал тажрибаси билан ўртоқлашадилар, янги танишлар орттирадилар ва ҳамкорликда ижтимойи-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқадилар.

Аёлларни касбий кўникмаларини ривожлантириш, малака ошириш ва тажриба алмашиш бўйича мақсадли дастурлар, уюшма ва бирлашмалар кўпаймоқда. Global Women in PR, “Россия шифокор аёллар бирлашмаси” “Ишбилармон аёллар” ва шулар каби жамоат ташкилотлари етакчи аёллар учун танловлар, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни тақдимоти ташкил этмоқдалар.

Ўзбекистонда охирги беш йил давомида “Ишбилармон аёллар” танлови ўтказилмоқда. Лойиҳа мамлакатимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-

иқтисодий, сиёсийислоҳотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 август 437-сон қарори билан “Оқила аёллар” харакати ўз ишини бошлади. Ҳаракатнинг асосий мақсади - жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш ишларининг самарадорлигини оширишдан иборат.[6]

2020 йилда бутун дунёда пандемия сабаб онлайн таълим жадал ривожланди. Шу даврда бир нечта онлайн таълим платформали аёллар алоҳида таълим дастурларини тақдим этди. Масалан, Coursera интернет таълим платформасида етакчи аёллар учун “Аёл киши раҳбар лавозимида: ижобий ўзгаришларга йўналтирувчи мотивациялар”[7] мавзусида 12 соатли текин ўқув курсларини ташкил этди. Унда муваффақиятли етакчи аёлларнинг ҳаёт стратегиялари, мақсад қўйиш, унга эришиш йўлларини мисоллар асосида ўргатилади. Курсни тингловчилари ўтиш учун инглиз тилини билиши шарт. Talented.me онлайн платформаси томонидан қисқа муддатли “Етакчи аёллар”[8] тренинг курси бола парваришдан сўнг профессионал фаолиятга қайтган оналар учун мўлжалланган.

Аёлларни етакчилик кўникмаларини ривожлантириш борасида бугунги кунда кўнгилли (волонтерлик) ҳаракати кундан кунга муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Халқаро тажрибада кўнгилли ҳаракати ёрдамида етакчи аёллар оғир ҳаёт вазиятларга тушиб қолган инсонлар ва шу жумлада қийинчилик билан дуч келган хотин-қизларга хайрия ёрдамини кўрсатадилар. Мисол учун, Найробидаги Women’s Empowerment Program[9] дастури хотин-қизларни ўқиш, ёзиш, ҳаётдаги кундалик муаммоларини ечиш бўйича

шахсий кўникмаларини шакллантирадилар. Шу каби дастурлар Ҳиндистон, Танзания, Марокаш ва бошқа учинчи давлатларда ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида аёлларни шахсий ва касбий кўникмалари ривожлантиришнинг яхши усули.

Юқоридагиларни инобатга олиб, халқаро тажрибани таҳлил қилган холда аёллар етакчилиги кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун бугунги кунда қуйидаги ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш зарур:

- фан ва таълим соҳасида – илм-фанни янада ривожлантириш учун ўз билим даражасини ошириш ва турли фанлар бўйича чуқур билим олишни хоҳловчи аёллар учун қулай муҳит ва имкониятлар яратиш дастурлари;

- ижтимоий фаолият соҳасида – ёш хотин-қизларнинг гендер тенгликларини таъминлаган холда янги мутахассислик ва касблар эгаллаш учун хохиш-истагини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар;

- соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида – аёллар ва оналар саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга қаратилган дастурлар;

- соғлом оила соҳасида – ёш хотин-қизларнинг оила қуришга тайёргарлиги, оилавий қадриятларни сақлаш ва соғлом турмуш ҳамда бола тарбиясини шакллантириш дастурлари;

- бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасида – аёлларни етакчилик кўникмаларини ривожлантириш учун кўнгилли ва волонтерлик дастурлар;

- хавфсизликни таъминлаш соҳасида – оилавий низолар, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликни олдини олиш бўйича малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан муаммоли вазиятларда психологик маслаҳатлар беришга қаратилган дастурлар;

- мода ва гўзаллик соҳасида – аёлларнинг табиий гўзаллигини кашф этиш, шахсий имиджи, ўзига хослиги, ўз қиёфаси, брендини шакллантиришга қаратилган дастурлар;

- оммавий ахборот воситалари, Интернет ва IT-технологиялар соҳасида – ёш қизларни ахборот технологиялари, дастурлаш, ижтимоий тармоқларда актив фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи дастурлар;

- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида – ишлайдиган оналар, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқишни режалаштираётган аёллар учун қулай меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган дастурлар.

Юқоридагиларни хулоса қилган холда шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятда содир этилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар эркаклар ва аёлларга турлича таъсир кўрсатади, уларни оила, меҳнат жамоаси ва ён-атрофдагилар орасида ўрнини белгилайди. Ўзбекистонда аёлларга нисбатан ҳурмат ва эътиборни таъминлаш, гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш, оила ва бизнесда аёллар етакчилигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини ошириш учун ижтимоий институтлар мавқеини ошириш зарур. Уларда аёлларнинг шахсий ва касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш усулларини кўпайтириш зарур. Шунда қиз бола, аёл, оналарни глобал ва ҳаётий таҳдидлардан тўлиқ ҳимоя қила оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР / REFERENCES / ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

[1] https://rybakovfoundation.ru/

[2] Women in Business 2020: Putting the Blueprint into action https://grantthornton.global/globalassets/1.-member-firms/global/insights/women-in-business/2020/women-in-business-2020_report.pdf.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-269-сон Фармони;

[4] https://eawf.ru/

[5] https://лидерыроссии.рф//

[6] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 август 437-сон қарори "“Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
[7] https://www.coursera.org/learn/women-in-leadership#syllabus
[8] https://theoryandpractice.ru/courses/34217-besplatnye-onlayn-kursy-talentedme-ru
[9] https://www.lovevolunteers.org/destinations/volunteer-kenya/womens-empowerment-nairobi.